



Konchilar hayoti

№11 (725)

2022-yil
17-iyun

Gazeta 1991-yildan chiqa boshlagan



facebook.com/ngmkofficial



t.me/ngmkofficial



instagram.com/ngmk.official



www.pressangmk.uz



Янгиликлар. Хабарлар

“ЭЪЗОЗ. ЭЪТИБОР. ЭЪТИРОМ”



тимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган халқпарварлик сиёсати, одамларни ҳаётдан рози қилишдек эзгу мақсадга ҳамоҳанглиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Меҳнат фахрийлари бўлган турли миллат вакиллари мусиқа садолари ва гулдасталар билан кутиб олинди.

Инсон қадрини улуғлаш, нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими вази фасини бажарувчи Нормат Турсунов ўз чиқишида камтарин меҳнати, юрт равнақи йўлидаги амалий фаолияти билан давлатимиз ва кенг жамоатчилик эътирофи, ҳурмат-эътиборини қозонган фахрийларни эъзозлаш, уларнинг саломатликлари учун ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, кекса авлод вакиллари билан бой ҳаётий тажрибасини ўрганиш ва фойдаланиш янги

Ўзбекистонни барпо этаётган келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг эртанги куни янада порлоқ бўлиши учун аини муддаодир.

Меҳнат фахрийлари тўкин-сочин дастурхон атрофида дилдан суҳбат қилдилар. Уларнинг юз-кўзларида шодумон кунлардан, тақдирларидан шукроналик ҳислари намоён эди. Тадбирда вилоятимизнинг иқтисодий юксалиши, sanoat, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга арзигулик ҳисса қўшган меҳнат кишиларининг ҳаёти акс этган видеороликлар намойиш этилди. Республикаимиз ва вилоятимиз таниқли санъаткорларининг ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қорақалпоқ тилларида янграган кўшиқлари, жозибали рақслар даврага файз бағишлади.

Низомиддин САДРИДДИНОВ.

Жорий йилнинг 6 июнь куни Навоий шаҳридаги “Тинчлик” тантаналар мажмуасида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир вилоятимизнинг ҳалол ва фидокорона хизматлари билан Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли номга сазовор бўлган вакиллари, Навоий вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига беқийс ҳисса қўшган раҳбару мутахассислари, меҳнат фахрийлари, турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, аини пайтда фарзанду навалар, шогирдлар қуршовида кексалик гаштини сураётган отахону онахонларга эътибор кўрсатиш, уларни юксак даражада эъзозлаш намунаси бўлди. Барча шахарлар, олис

чорвачилик туманлари, овул ва қишлоқлардан таклиф этилган меҳнат фахрийлари, бугун орамизда йўқ фахрийларнинг оила аъзолари, фаоллар ва ёшлар тадбир аввалида Алишер Навоийнинг вилоятимиз марказида қад рослаган ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбобига эҳтиром кўрсатдилар. Тадбир, ҳеч шубҳасиз, номланишига ва азалий қадриятларга, энг муҳими, бугунги кунда мамлака-



Қутлов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган пенсия ёшидаги юртдошларимиз “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Жорий йилда шундай юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида комбинат вакиллари ҳам борлиги биз учун алоҳида қувонарли ҳолдир.



МУКОФОТ МУБОРАК!

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқармаси Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Шавқиддин Идиев I даражали, Марказий кон бошқармаси 7-автокорхонасида узоқ йиллар меҳнат қилиб, аини пайтда нафақада бўлган Бахтиёр Негов иккинчи даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Яқинда вилоят ҳокимлигида кўп йиллик фидокорона меҳнати, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги туфайли “Меҳнат фахрийси” кўкрак

нишонига муносиб кўрилган 40 нафар нуруний отахон ва онахонларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз мадҳияси билан бошланган тадбирда мукофотланганларга “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов тантанали тарзда топширди. “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган ҳамкасбларимизни самимий қутлаймиз.

“НКМК”АЖ матбуот хизмати.

С тёплым чувством

НАС ПОМНЯТ И ЦЕНЯТ

В Представительстве Навоийского горно-металлургического комбината в г.Москве 28 мая 2022 года состоялась уже традиционной встреча ветеранов комбината, проживающих ныне в Российской Федерации.

Инициаторы и организаторы прошедшей встречи – работники комбината - накрыли ветеранам щедрый дастархан с разнообразными национальными блюдами так, как принято в Узбекистане. И здесь, за пиалой ароматного зелёного чая, мы, пенсионеры, смогли встретиться с бывшими коллегами, вспомнить трудовые будни на просторах Кызылкумов, а также тесным кругом отметить уже прошедшие в Узбекистане праздники Навруз, День памяти и почестей, День работников горной и металлургической промышленности – окупиться, таким образом, в солнечную и дружелюбную атмосферу гостеприимного Узбекистана.

Мы с интересом следим за происходящими в Узбекистане экономическими преобразованиями, за всесторонним развитием НГМК. При поддержке Президента и правительства Узбекистана комбинат по-прежнему стабильно выполняет и перевыполняет планы по производству драгоценных металлов, ежегодно наращивает объёмы производимой продукции, осваивает новые производственные мощности. Благодаря этому запустили на полную мощность новый – седьмой – гидрометал-

лургический завод, расширили мощности ГМЗ-2, ввели в эксплуатацию новые золотосодержащие месторождения и добились дружных производственных успехов.

С радостью мы восприняли информацию о том, что Постановлением Президента Республики Узбекистан Навоийский государственный горный институт реорганизован в Навоийский государственный горный и технологический университет – единственный в республике, что позволит расширить перечень востребованных в горно-металлургической отрасли специальностей, интегрировать образование в производство, увеличить количество студентов, повысить качество обучения.

С большим волнением узнали, что в октябре прошлого года, на основании Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для пенсионеров и ветеранов в сфере горной и металлургической промышленности Республики Узбекистан», создана негосударственная некоммерческая организация Совета ветеранов горной и металлургической промышленности Республики Узбекистан.

Продолжение на стр. 2

НАС ПОМНЯТ И ЦЕНЯТ

■ **Окончание. Начало на стр. 1**

Это говорит о том, что правительство республики стремится активно задействовать уникальный профессиональный опыт, практические навыки и потенциал пенсионеров и ветеранов отрасли в подготовке молодых специалистов, что горно-металлургическая отрасль занимает ведущее место в развитии и стабилизации экономики страны.

Также мы ознакомились с фундаментальным трудом «История горной металлургии Узбекистана» (авторы К.Санакулов, Х.Раупов, О.Хантова), благодаря которому специалисты и студенты высших учебных заведений получают новые знания по истории становления горной и металлургической отрасли Узбекистана. Для нас книга также представляет значительный интерес. В ней подробно и квалифицированно показана связь времен от античных, средних веков и правления Тимуридов до формирования горно-металлургической промышленности Узбекистана (1917–1991 годы), и далее представленные новые этапы развития в годы независимости Узбекистана. Изложение материала в таком ракурсе сделано впервые, поэтому является инклюзивной находкой авторов книги.

Встреча ветеранов НГМК прошла тепло и интересно, мы не только вновь почувствовали себя частью многолетнего трудового коллектива комбината, но и отдали дань уважения нынешним трудящимся комбината. Самое главное – о нас помнят, нас ценят, значит, годы труда отданы нашему комбинату не зря.

С уважением и благодарностью

Ветераны НГМК О.Н.Мальгин, О.А.Янушпольский, В.В.Новиков, С.К.Гуламова, Я.Н.Друбецкий, В.И.Филь, Т.А.Рузиев, Л.И.Евтушенко, С.С.Емельянов, С.Ш.Алиев, А.Г.Зайцев, С.А.Лысенко, Е.П.Усачёв, В.В.Коновалов, А.В.Горностаев, В.С.Крупин, В.А.Груцинов, В.Н.Гришмановский, Л.Н.Бакшеев, Н.А.Ларионова, Э.Н.Галимова, М.П.Макаревич.

■ **Хабар**

ФАОЛ ЁШЛАР САФИДА

Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида истиқболли ёшларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида «Келажак лидерлари» махсус интенсив малака ошириш дастури иккинчи мавсумида давлат хизматида фаолият юритаётган 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган 1 862 нафар ўрта бўғин бошқарув кадрлари ва мутахассислари орасидан тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш кўникмасига эга, стратегик фикрловчи, кенг қамровли ишловчилар ва имкониятларни олдидан кўра оладиган 50 нафар ёшлар саралаб олинди. Дастур доирасида 14 та худуддан келган иқтидорли ёшлар орасида “НКМК” АЖ Бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими иқтисодчиси Ботиржон Эргашов ҳам бор.

Икки ой давом этган махсус малака ошириш дастурида тингловчилар замонавий таълим усуллари асосида нафақат академия профессор-ўқитувчилари, балки вазирилк ва идоралар раҳбарлари, тадбиркорларнинг семинар-тренингларида қатнашган, лидерлик, жамоани шакллантириш, тайм-менежмент, лойиҳа бошқаруви, стратегик таҳлил, нотиклик санаъти, бошқарув маданияти, дипломатик протокол ва этикет, низоларни бошқариш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш каби йўналишларда ўз билимларини оширдилар. Уларга назарий билимларини амалиётда қўллаш имконияти яратилиб берилди.

– Дастурда тингловчи сифатида қабул қилинганим жуда қувончли бўлди. Дастур ҳақиқатда Ўзбекистоннинг турли худудларида фаолият юритаётган лидер ёшларни бирлаштирди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, Ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий қилинганиги, “Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳар бир фуқаро билан ишлашнинг вертикал тизими яратилганини барча учун кенг имкониятлар эшигини очди. Биз ёшлар эса қайси соҳа вакили бўлмайлик, мамлакатимиз равнақи йўлида бел боғлаб хизмат қилишимиз зарур, – дейди Б.Эргашов.

Дастур якунида битирув лойиҳа ишининг тақдимотини намунали амалга оширган тингловчиларга сертификатлари топширилди.

А.ЗАРИПОВ.

■ Тема номера

В последние годы проводимые в Узбекистане реформы сопровождаются активным внедрением информационно-коммуникационных технологий во все сферы жизни, расширяется доступ к услугам телекоммуникаций, повышаются цифровые навыки у населения, формируется благоприятная среда для развития инновационных технологий, проводятся работы по повышению конкурентоспособности страны.

Ярким тому подтверждением стало издание Указа Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 г. «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации», в котором особая роль отведена широкому использованию информационно-коммуникационных технологий, как эффективно-инструменту реформирования. Одним из приоритетных направлений развития и либерализации экономики, повышения ее конкурентоспособности за счет углубления структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства, предусмотрено проведение активной инвестиционной политики, направленной на модернизацию, техническое и технологическое обновление производства, реализацию проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и системы управления.

Сегодня одной из задач отечественной экономики в целом, и металлургии в частности, является ее цифровизация – объединение современных информационно-коммуникационных технологий с производственным оборудованием и средствами автоматизации, направленное на организацию и контроль всей цепи создания стоимости на протяжении всего производственного цикла продуктов и услуг. В результате цифровизации, развитие промыш-

международных стандартов финансовой отчетности и пр.

В октябре 2020 г. руководством комбината утверждена Программа по цифровой трансформации НГМК на 2020-2022 гг. на 307,6 млрд сум. Программой предусматривается внедрение цифровых технологий в управленческие и производственные процессы, модернизация компьютерной и телекоммуникационной инфраструктуры, а также обучение и переподготовка сотрудников по цифровым технологиям.

Так, за последние годы в Центральном рудоуправлении НГМК построены и введены в промышленную эксплуатацию мельничные блоки №№29-32 на гидрометаллургическом заводе №2, 3 мельничных блока и 2 мельницы на гидрометаллургическом заводе №7, 3 мельничных блока и одна мельница МШЦ 35x45-на гидрометаллургическом заводе №5.

Ввод дополнительных мельничных



НА ПУТИ К ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ПРЕДПРИЯТИЯ

ленности сопровождается качественными преобразованиями, ростом производительности труда, оптимизацией структуры затрат, распространением сетевых технологий. Цифровизация горнодобывающей и металлургической отрасли предполагает продвижение на предприятия отрасли цифровых технологий, привлечение соответствующих специалистов, повышение доступности специальных программных средств, внедрение и развитие CRM – (Customer Relationship Management, то есть «управление взаимоотношениями с клиентами»), ERP – (Enterprise Resource Planning – «планирование ресурсов предприятия»), SCM – (supply chain management – «управление цепочками поставок») систем, баз данных, вычислительных мощностей, распространение технологии «облачных» сервисов и др.

При этом следует делать различия между цифровизацией и автоматизацией. Автоматизация нацелена на освобождение человека от рутинных операций, оставляя ему больше времени на анализ и принятие решений. Цифровизация предполагает следующий шаг – анализ и принятие решений машинами, сужение до предела участия человека в производстве и минимизацию человеческого фактора. Автоматизация – одна из целей цифровизации или начальной стадии цифровизации, составляющая нижнего уровня.

В АО «Навоийский горно-металлургический комбинат» планомерно ведутся работы по внедрению и развитию информационно-коммуникационных технологий. Ежегодно утверждаются и успешно реализуются проекты по модернизации и развитию информационно-коммуникационной среды комбината, внедрению современных систем управления технологическими процессами, переводу основных магистральных и иных линий связи на волоконно-оптические, а также внедрению

блоков позволил увеличить объем годовой переработки руды на ГМЗ-2 примерно на 4 млн тонн и к концу 2022 года ожидается перешагнуть рубеж в 50 млн тонн.

Постоянное внедрение цифровых технологий на каждый перелом гидрометаллургических заводов позволит полностью реализовать концепцию «Индустрия 4.0» и создать полноценный цифровой гидрометаллургический завод. На таком заводе управление всеми производственными процессами будет переведено в цифровую плоскость. У каждого станка, цеха, участка и, наконец, у всей производственной и технологической цепочки появятся перенесенная в цифровую плоскость модель – свое компьютерное описание. Она будет учитывать работу оборудования, персонала, его функционал и производственные связи между всеми участниками процесса. Цифровой двойник позволит предприятию реализовать в виртуальном мире определенную технологию или нововедение прежде, чем это будет воплощено в реальности.

Решение поставленных задач позволит создать условия для цифровой трансформации гидрометаллургического завода, поработать базу для цифровизации аналогичных заводов НГМК, получить неограниченный опыт внедрения современных высокоинтеллектуальных систем в реальное производство, стать ведущим предприятием республики, конкурирующим с мировыми лидерами золотодобывающей отрасли.

Еще в 1998 году на руднике «Мурунтау» Центрального рудоуправления АО «НГМК», одним из первых в странах СНГ, введена в эксплуатацию автоматизированная система управления автотранспортом на базе GPS-технологий. Сегодня в проект «Внедрение информационной системы по контролю над использованием горючесмазочных материалов на базе системы спутникового мониторинга транспортных

■ Қарор ва ижро

МОНОМАРКАЗЛАР

Аҳолини иш билан таъминлашнинг замонавий ечими

Юртимизда “Ишга марҳамат” мономаркази ривожланган давлатлар таърибаси ўрганилган ҳолда ташкил этилиб, бу борада Навоий вилоятида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бундай касб-хунар мактаблари Жанубий Кореяда 1960 йилда очилган бўлса, Туркияда 1986 йилда фаолиятини бошлаган экан. Америкада уй ҳўжалиги, ёғоч ва металл устачилиги каби касблар



ўрта мактаблардан ўргатилади. Японияда “Устоз-шогирд” анъанаси бор экан. Жаҳон таърибасидан келиб чиқиб, ушбу мономарказни ташкил этилиши бутун ўзининг ижобий самарасини берапти. Марказ аввал ишсиз фуқароларни касбга ўқитади, сўнгра иш билан таъминлайди. Фуқароларга яқка тартибдаги тадбиркорлик қилиш учун субсидиялар ажратишда ёрдам беради. Мақсад, ишсиз фуқароларни касбли қилиш, рўзгорини бутлаш, бир сўз билан айтганда камбағалликдан чиқаришдир.

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлашга ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг энг муҳим шарти сифатида бутун бу каби ўқув марказларида алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежизга эмас. Бунда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2020 йил 11 августда имзоланган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўрисида”ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Навоий шаҳрида “Ишга марҳамат” мономарказининг ташкил этилган-



нига яқинда бир йил тўлсада, бу ерда минглаб ишсиз ва эҳтиёмманд фуқароларга замонавий касб-хунар тадбиркорлик кўникмалари ўргатиляпти.

Мономарказда жами 32 турдаги йўналиш ва касб-хунарларни ўргатиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари фаолият кўрсатмоқда.

– Мономарказда келгусида кўплаб янги йўналишларда ўқитишни йўлга қўйиш режалаштирилган, – дейди марказ раҳбари Баҳромхўжа Қодиров – Машгулотларимиз асосан амалий, қисман назарий тарзда олиб борилади. Мазкур касб-хунар масканида ишлаб чиқариш корхоналари талаб-эҳтиёжига қараб ишчилар малакаси оширилади. Мономарказда янги ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарга ишчи кадрлар тайёрланади. Кам таъминланган ои-

лалар аъзоларнинг касб-хунар эгаллигига кўмаклашиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш каби улугвор мақсадларни амалга ошириб келаяпти.

Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқилган чора-тадбирларда мономарказ фаолиятини самарали йўлга қўйиш, комбинатнинг мутасадди ходимлари билан биргаликда ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, зарур ҳолда мутахассислар тайёрланаяпти. Хусусан тоғ-кон, металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноати ва уларга боғлиқ бўлган йўналишлар учун муракаб ускуналар оператори, технолог, кончи, лаборант ва юқори технологиялар соҳасидаги бошқа йўналишларда ўқитилмоқда.

Шунингдек, марказда таҳсил олаётганларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қўшимча тўғарақлар, турли танлов ва қизиқарли спорт мусобақалари ташкил этилган.

Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий марказнинг йиллик қуввати 1650 ўринга мўлжалланган. Унда узоқ туманлардан келиб ўқийдиган тингловчилар учун 60 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Марказда ўқиш истагидогилар туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига мурожаат этади. Бу ерда кўпроқ аёллар, ёшлар, “Темир дафтар”даги фуқаролар касб ўрганмоқда.

– Уч нафар фарзандим бор, ёшим қирқда, маҳаллада “Аёллар дафтари”да турман, – дейди ошпазлик курси тингловчиси Юлдуз Ботирова. – Кармана тумани “Малик” маҳалласида истиқомат қиламан. Марказда ошпазлик сирларини, турли салатлар, ширинликлар, хушўр таомлар тайёрлашни пухта ўргандим. Бу ерда ҳамма шариитлар етарли, ўқувчиларга стипендия берилади. Курсни тугатсам,



субсидия асосида маҳаллаиздан ошхона очмоқчиман ва боқувчисини йўқотган, муҳтож аёлларни ишга олишни режалаштираяман.

Замонавий бино, ҳар бир синф ва амалиёт хонаси барча жиҳоз ва дарсликлар билан таъминланган. Машгулотлар шинам хоналарда мутахассислар томонидан электрон доска орқали тушунтирилади.

– Компьютер дизайн дастурлари курсида ўқиялман, – деди нуроталик



Мунира Эргашева. – Қисқа муддатда компьютерда 4-5 хил дастурларда ишлашни ўрганиб олдим. Масалан, эскириб, айрим жойлари ўчиб кетган суратларни компьютерда қайта тиклай оламан. Яна бошқа дастурларда ишлашни ўрганайман.

Марказ ўқувчилари ҳафтанинг душанба кунидан жума кунигача ўқитилади. Асосий дарслар куннинг

ярмигача, тил ўрганиш, тадбиркорлик кўникмалари каби қўшимча дарслар ўқувчиларнинг истагига қараб куннинг иккинчи ярмида ўтилади. Мономарказ битирувчиларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ва ўрта махсус касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилган давлат намунасидаги сертификат берилади. Бундан ташқари, “WorldSkills” талаблари асосида баҳоладан

муваффақиятли ўтган битирувчида ларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ишлаш ҳуқуқини берувчи “Skills” паспорти берилади. Қисқаси, халқаро талаблар даражасидаги бу каби касб-хунарга йўналтирувчи ўқув марказларида аҳоли бандлигини таъминлашда ма-лакали мутахассислар захираси ҳам шаклланади.

■ Янгилик

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Бугун импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш кўрсаткичларини ошириш комбинат ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, талаб юқори бўлган эҳтиёт қисмлар ва бутловчиларни маҳаллий корхоналарда ўзлаштириш мақсадида қатор амалий ишлар, манзилли чора-тадбирлар кўриломқда. Кооперация алоқалари нафақат шартномавий келишувларга эришиш, балки соҳани ривожлантириш бўйича фикр алмашиш ва алоқаларни ўрнатиш учун ҳам катта имкониятлар майдонидир.

Жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари Марказий кон бошқармасида комбинат мутахассислари ва республикамиздаги етакчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга қаратилган худудий саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз саноати ютуқларининг амалий намойиши бўлган мазкур тадбирда иштирокчилар кон бошқармасида маҳаллийлаштириш дастурини рўёбга чиқариш, ўзаро иштирорлик муҳитини кенгайтиришга қаратилган жонли мулоқот, қизгин музокаралар олиб бордилар.

Ярмаркада комбинат раҳбарияти ва етакчи мутахассислари, хизмат ва бўлимларнинг бошлиқлари, муҳандислар ҳамда мамлакатимизнинг йирик хусусий ишлаб чиқарувчи корхоналари, тадбиркорлик субъектлари қатнашдилар. Жумладан, “Gidro Stanko Servis”, “Polipropilen Quvurlar”, “Hydrocomponent”, “Stalmet Group Servise”, “Vody Energomash Mexanika”, “SPZ-bearing”, “Chilon Lubricants”,



“Aziatskiy Mashinostroitelny zavod” каби 41 та маҳаллий корхоналарнинг 100 дан ортиқ раҳбар ва вакиллари иштирок этишди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган ярмарка кон-металлургия соҳасида кооперация алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Комбинатда импортни қисқартириш,

маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш бўйича қатор тизимли ишлар олиб борилаётганининг амалий натижаси бўлган ва икки кун давом этган тадбир амалий ишчанлик рўҳида давом этди. Унда маҳаллий корхоналар вакиллари экскаваторлар, бурғилар ускуналари, тегирмонлар, тепловозлар, карьер автогадгарчиқлари учун зарур бўлган минг турдан ортиқ импорт эҳтиёт қисмлар ва бутловчи маҳсулотларнинг намуналари билан танишдилар. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва

Саҳифани Азамат ЗАРИПОВ тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

Продолжение на стр. 4

■ **Тадбир**

МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

«Фарҳод» маданият саройида "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси жамоаси учун шлоб қириши санга - бошқарма таркибдаги Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика Марказий лабораторияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги кенг нишонланди. Тадбирда жамоани НКМК бош муҳандиси Отабек Ravшанов кутлаб, бир гуруҳ фол ишчи-ходимларга комбинатнинг «Қончилик шухрати» кўкрак нишонларини топширди.

Бугун кончилик саноатида жорий этилаётган технологиялар мунтазам такомиллашиб, глобал интеграция жараёнларида ўз рақобатбардошлигини ошириб борапти. Чунончи, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖда манзилли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида геологик-қидирув ишларидадан тортиб, тайёр маҳсулотларни олишгача бўлган жараёнларнинг барчасида тўлиқ рақамлаштиришга эришилди. Айниқса, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси

доирасида 2020-2022 йилларда корхона тизимларини рақамли трансформация қилиш дастурида тасдиқланган лойиҳаларда автоматлаштирилган бошқарув тизимини қўллаган ҳолда, комбинатнинг янги фойдаланишга топширилган 2-гидрометаллургия заводининг 29 ва 30-тегирмонлари ҳамда 5-гидрометаллургия ва 7-гидрометаллургия заводларини рақамлаштиришнинг бошқарма-босқич тадбиқ этилиши иш унумдорлигини сезиларли оширди. – Ҳар қандай корхонада сунъ-



ий интеллектни жорий қилиш тўрт босқичдан ташкил топади, улардан биринчиси – ишлаб чиқариш линияларини ўзгартиришга техник тайёргарлик кўришдир, -дейди “НКМК” АЖ Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи Воҳиджон Пўлатов. –

ускуналарини тўлдириш даражаси ва материал сарфи каби параметрларни тўлиқ назорат қилди ва тартибга солади. Руда ташиш ва майдалаш механизмларини тезкор бошқариш руда тайёрлаш технологик жараёнининг самарадорлигини оширишга ва технологик ускуналарнинг фавқулода тўхташ вақтини камайтиришга имкон бера-япти.

– Комбинат – қувончим ва фخرим! 45 йиллик фаолиятим давомида аҳил жамоанинг бир вакили сифатида комбинатда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан оз бўлсада хисса қўшганлигимдан бахтиёрман, – дейди “Кончилик шухрати” кўкрак нишон соҳибиги, етакчи муҳандис Евгений Ситников.

Тадбир якунида “Фарҳод” маданият саройи санъаткорлари томонидан намойиш этилган байрам дастури иштирокчиларга хушқайфият улашди.

А.ЗАРИПОВ.

■ **Люди нашего комбината**

Окончив факультет надземного транспорта Самаркандского государственного архитектурно-строительного института, он в 2008 году устроился слесарем-ремонтником в цех по ремонту импортной подземной техники на рудник «Зармитан». Через два года стал механиком, в 2014 году был назначен главным инженером этого же цеха, с 2019 года по настоящее время работает заместителем начальника цеха.

Хороший карьерный рост за 14 лет работы, и всё потому, что налажена система подготовки резерва руководящих кадров. Ривожиддин Нормаматов начинал на руднике буквально с нуля без права самостоятельной работы под началом опытного наставника. Через месяц сдал экзамены и был допущен к самостоятельной работе в составе линейного персонала.

Раз в год линейный персонал сдаёт экзамены по составу, в состав которой входят ведущие специалисты не только Южного рудоуправления, но и комбината. Во время этих экзаменов у

■ **“Навоийуран” ДҚдан хабарлар**

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

“Навоийуран” давлат корхонасида Япониянинг “Itoschu Corporation” корпорацияси менежери Тоситака Шибата бошчилигидаги делегацияси билан бўлиб ўтган учрашув Ўзaro ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадларига қаратилди.

